

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

ЭЗГУ МАҚСАДЛАРГА ПАЙВАСТА ДИЛЛАР

Президентимиз Ислон Каримов Мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида юқори технологияларга асосланган хизматлар орасида кейинги йилларда алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари бошқа соҳаларга нисбатан жадал ривожланаётганини алоҳида таъкидлаб, ушбу хизматлар ҳажми сўнгги беш йилда 3,3 баробар, ўтган йили эса 24,5 фоизга ўсганини эътироф этганди.

3-бет



Сўнгги янгилик!

Нью-Йорк, Лондон, Париж, Сингапур, Истанбул ва Сеулда LG компаниясининг янги флагман смартфони — G4 тақдимоти ўтказилди.

Техник хусусиятлари: дисплей — 5,5 дюйм (Quantum, 1440X2560 нукта); процессор — олти ядроли (Qualcomm Snapdragon 808); амалий хотира — 3 ГБ; ички хотира — 32 ГБ (хотира сифимини microSD карта воситасида 2 ТБгача етказса бўлади); амалий тизим — Android 5.1 Lollipop; аккумулятор — 3000 мАс (сўзлашув тартибида 10 соат ишлашга етади); ўлчамлари — 149,1X75,3X8,9 мм; оғирлиги — 155 грамм.


Смартфоннинг фотокамераси 16 мегапикселли бўлиб, лазерли автофокусни қўллайди. Алмашгирса бўладиган орт қопқоғи пластик ва турли ранглардаги табиий чармдан тайёрланган.



Ушбу сонда:

■ ИНҲАга қабул эълон қилинди	2
■ Электрон ҳукумат: Истиқболлар, муаммо ва ечимлар	4
■ Фаҳримиз	5
■ Изменения в тарифах	6
■ Бир-бирдан хайрли кунлар	12
■ Унутилмас йиллар	15

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги кўмагида Тошкент шаҳридаги Инҳа университетида ўтказилган видеоконференцияда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари битирувчилари иштирок этди.



Инҳа университетига қабул эълон қилинди

Видеоконференцияни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад абитуриентлар ва уларнинг ота-оналарини мазкур олий ўқув юртига ҳужжат қабул қилиш шартлари ва имтиҳон тартиби ҳақида хабардор қилиш, шунингдек, университетда яратилган шароитлар ва ўқув жараёни билан таништиришдир.

— Университетимиз Ўзбекистоннинг барча ҳудудларидан истеъдодли ёшларни қабул қилишдан манфаатдор, — деди университетнинг биринчи проректори Парк Се Гун. — Ўтган бир йил мобайнида ўқув жараёнини йўлга қўйди ва бу йил қабул қилинадиган талабаларнинг мослашиши унчалик қийин бўлмайд.

Тошкент шаҳридаги Инҳа университети вакиллари 2015-2016

ўқув йилида 250 нафар — компютер инжиниринги йўналишига 120, дастурий инжиниринг йўналишига 130 талаба қабул қилинишини маълум қилди. Абитуриентлар ҳужжатларни 17 июлга қадар университетнинг расмий веб-сайти — www.inha.uz орқали онлайн тартибда топшириши мумкин.

Имтиҳонлар инглиз тилида бўлиб ўтади. Имтиҳон топшириш учун абитуриентлардан 5 баллдан кам бўлмаган IELTS ёки 60 баллдан кам бўлмаган TOEFL IBT сертификатига эга бўлиш талаб этилади. Жорий йилда, абитуриентлар ва уларнинг ота-оналари истаги инobatта олинган ҳолда, IELTS ва TOEFL IBT сертификатига эга бўлмаганлар учун университетда инглиз тили бўйича қўшимча им-

тиҳон ташкил этилади. Имтиҳондан муваффақиятли ўтиш учун берилган топшириқларнинг камида 60 фоизини ечиш зарур. Имтиҳонлар 3 май ва 5 июлда ўтказилади. Имтиҳондан ўтолмаган абитуриентларга қайта топшириш имконияти берилди. Математика ва физика фанлари бўйича имтиҳонлар 26 июл кuni ёзма равишда бўлади.

Синовлардан муваффақиятли ўтган абитуриентлар тўлов шартнома асосида ўқийди. Энг юқори балл тўплаган ўн нафар абитуриент университетга грант асосида қабул қилинади. Уларнинг ўқиши учун маблағни мамлакатимизнинг етакчи компаниялари тўлайди ва кейинчалик иш билан таъминлайди.

Матбуот тарқатиш тизими такомиллашмоқда

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида босма оммавий ахборот воситаларини тарқатишни янада ривожлантириш, обуна нархларини пасайтириш, нашрларнинг обуначиларга ўз вақтида етиб боришини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

"Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компанияси бош директорининг биринчи ўринбосари Б.Кубеев ва бошқалар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга етказиш, юртдошларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини юксалтиришда оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутушини таъкидлашди.

Мамлакатимизда ОАВ фаолиятини ривожлантиришнинг мустаҳкам қонунчилик базаси шакллантирилган. Ўқувчиларга босма нашрларни етказиб бериш бўйича тизимли ишлар амалга оширилаётган. "Матбуот тарқатувчи" АК ушбу йўналишда фаолият юритаётган етакчи муассасалардан биридир. Бугунги кунда унинг обуна каталогидан мингдан ортиқ марказий ва ҳудудий вақтли матбуот нашри ўрин олган. Ушбу нашрларни обуначиларга ўз вақтида етказиб бериш чоралари кўрилатган.

Замонавий ахборот технологияларининг ривожланиши барча соҳалар каби обуна ишларини ҳам такомиллаштириш учун катта қўлайлик яратмоқда. Шундай имкониятдан фойдаланиб, компаниянинг интернетдаги www.akmt.uz веб-сайти орқали обуна ишлари йўлга қўйилди. Мазкур сайтта обуна каталоглари ҳам жойлаштирилди.

Матбуот тарқатиш ишларини янада яхшилаш, тизимнинг моддий-техник салоҳиятини юксалтириш, обуначиларга нашрларни етказиб бериш тизимида нарх-наво барқарорлигини таъминлашда 2015-2019 йилларда вақтли нашрларни тарқатиш тармоғини ривожлантириш дастури қабул қилиниб, изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бу-



нинг натижасида жорий йилда обунани расмийлаштириш ва етказиб бериш харажатлари бўйича тарифлар сезиларли даражада пасайди.

Обунани пластик карточкалар орқали қабул қилишда мижозларга қўлайлик яратиш мақсадида шохобчаларда уч юздан ортиқ терминал ўрнатилган. Шу билан бирга, вебсўм, интернет банкинг, Click тўлов тизимлари орқали обуна уюштириш имконияти яратилган.

Соҳада хизмат кўрсатиш сифати ва самардорлигини янада ошириш бугунги куннинг муҳим талабидир. Бу вазифаларни амалга оширишда ходимларнинг малака ва маҳоратини юксалтириш, янгича иш услубларини оммалаштириш, сотувчиларни қўллаб-қувватлаш ва меҳнатини муносиб рағбатлантириш муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда ўтказилаётган "Даврий матбуотнинг энг фаол сотувчиси" танлови ўз самараларини бераётган.

Матбуот анжуманида журналистларнинг савол-жавоб қайтарилди.

ЎЗА

Жумадан жумагача

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони чоп этилди.

2015 йил 24 апрел кuni Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил биринчи чорагида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунларини муҳокама қилишга ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан жорий йил 16 январда республика Ҳукуматининг мажлисида белгилаб берилган 2015 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифалари амалга оширилишини баҳолашга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллигига бағишлаб "Биз — буюк юрт фарзандларимиз!" шиори остида ўтказилган фестивалда фарғоналик ёшларга Президентимиз совғаси — иккита "ISUZU" автобуси топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент олий ҳарбий-техник билим юртида "Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда маънавий мероснинг ўрни" мавзuida илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Анжуманда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда маънавий-ахлоқий мероснинг ўрни, ҳарбий хизматчиларни тарбиялашда буюк алломалар меросидан фойдаланиш, ўзбек халқи маънавий-ахлоқий меросида ҳарбий ватанпарварлик ғояларининг талқини каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида "Жаҳон адабиёти дурдоналари" номли китоб тақдими бўлиб ўтди. Тўпلامда жаҳон классик адабиёти намоёндalarининг ўзбек тилига ўтирилган бир қанча асарлари жамланган. Адибларнинг ҳаёти ва ижодига оид маълумотлар, уларнинг ҳикматли сўзлари, асарларнинг яратилиш тарихи ҳам баён этилган. Тақдиротда мазкур тўпلامнинг навбатдаги жилларини чоп этиш режалаштирилаётгани таъкидланди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмагида АКШнинг Колумбия университети социологлари томонидан ўтказилган тадқиқот асосида "Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари" (World Happiness Report) янги рейтинг эълон қилинди. Дикқатга сазовор жиҳати шундаки, ушбу рўйхатда Ўзбекистон 158 мамлакат орасида 44-поғонада, Ҳамдўстлик давлатлари ўртасида эса биринчи ўринда қайд этилган.

◀ 1-бет

Телекоммуникация

Дарҳақиқат, иқтисодийимиз ва жамиятимиз ҳаётида ахборот-коммуникация технологияларининг алоҳида ва муҳим ўрин тутишини ҳисобга олиб, 2013 йилда 2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс дастури қабул қилинди. Ушбу дастур доирасида амалга оширилаётган лойиҳа-

почта тизимига 483та йўналиш бўйича ҳаракатланадиган 114та транспорт воситаси жалб қилинди. Почта тизимидаги 68та транспорт воситасига GPS мосламалари ўрнатилган.

Электрон ҳукумат

"Яндекс" қидирув тизимининг ўтган йилги ҳисоботида энг кўп қидириладиган сўзлар рўйхатида "электрон ҳукумат" ибораси ҳам борлиги маълум бўлган. Ҳақиқатан

“ Ягона порталга 600дан зиёд ташкилотлар қўланган, қатор йўналишлар бўйича 230дан ортиқ интерактив хизматлар кўрсатиламоқда. ”

наётгани, Юртбошимизнинг алоҳида эътирофига сазовор бўлаётгани, шубҳасиз, фахр туйғусини уйғотади.

Етук кадрлар

Соҳада узоқ йиллардан буён шаклланган устоз-шогирд анъаналари, ахборот технологиялари ва алоқа касб-ҳунар коллежлари, Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг филиаллари, бошқа олий ўқув юртлиридаги илғор таълим тажрибалари АКТ йўналишида етук кадрлар етказиб беришга замин яратмоқда. Ўтган йили жанубий қорёлик шериклар билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрида Инҳа университети ташкил этилгани эса ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида, биринчи навбатда, дастурий таъминот маҳсулотлари ишлаб чиқариш, ахборот тизимлари ва компютер тармоқларини бошқариш бўйича халқаро стандартлар даражасида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш имконини беради.

Эътироф масъулияти

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш соҳасига ҳукуматимиз томонидан қаратилган юксак эътибор ва эътироф соҳа мутахассислари олдида улкан масъулият юклайди. Олдинда янги марралар, янги вазифалар бисёр. Жумладан, "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш, Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини 2013-2020 йилларда комплекс ривожлантириш дастурини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратиш, интернет тармоғидан фойдаланишнинг техник имкониятларини янада ошириш, кенг полосу оптик тармоқларни кенгайтириш ва оптик толали алоқа тармоқларини қуриш ишларини давом эттириш, барча ҳудудларни, шу жумладан, узоқ ва чекка ҳудудларни рақамли телевиденига ўтказиш ишларини охирига етказиш зарур.

Юртбошимиз таъкидлаганидек: "...олдимизда ўта муҳим ва долзарб вазифалар турибди. Уларни фақат ўз кучимиз ва имкониятларимизга таянган ҳолда ҳал қилмасак, четдан биров келиб ҳал қилиб бермайди. Энг муҳими, шу борада эскича қолип ва ёндашувлардан бутунлай воз кечишимиз керак. Бугунги замоннинг талаби шуки, энди эскича ишлаб, эскича яшаб бўлмайди. Бундай кайфият билан юрган одамларни, авваламбор, раҳбарларни ҳаётнинг ўзи қабул қилмайди. Бугунги кунда катта умид, орзу-мақсадлар билан, Ватаним тараққиётига ҳисса қўшаман, деб белини маҳкам болаб майдонга чиқаётган, мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган азму шижоатли ёшларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш барчамизнинг нафақат вазифамиз, балки бурчимизга айланиши керак."

Ушбу эзгу мақсадлар йўлида меҳнат қилаётган, соҳа ривожига ўз ҳиссасини қўшиб келаётган барча алоқачиларни касб байрамлари билан муборакбод этамиз! Ватан тараққиётига қўшаётган ҳиссангиз янада салмоқли ва бардавом бўлсин!

Лутфилю ТУРСУНОВ

ЭЗГУ МАҚСАДЛАРГА ПАЙВАСТА ДИЛЛАР

лар 2014 йилда мамлакатимизда барча автомат телефон станцияларини рақамли тизимга ўтказишни яқинлаш учун замин яратди.

Телекоммуникациялар тармоғининг рақамли тизимга ўтиши мазкур йўналишда кўрсатилаётган хизматлар сифати ва турларини бутунлай янги босқичга олиб чиқди. Агар авваллари телекоммуникациялар деганда асосан анъанавий телефон ва телеграф хизматлари кўз ўнгимизга келган бўлса, бугун провайдерларга каналларни ижарага бериш, халқаро ва шаҳарлараро алоқа, овозли алоқа ва маълумотлар узатиш, видеоконференцалоқа, видео-телефон, ADSL ва FTTB технологияси бўйича кенг полосу интернет, IPTV, VPN, WEB-хостинг, Co-location, Виртуал флешка, CDMA-450 ҳамда GSM стандартидаги мобил алоқа ва бошқа кўплаб хизматлардан мижозлар фойдаланиб келишмоқда.

Почта

Почта тизими ҳам худди шундай янгиланишларни бошидан ўтказяпти. "Ўзбекистон почтаси" АЖнинг корпоратив тармоғи орқали аҳолига электрон пул жўнатмаларини юбориш, гибрид пул ўтказмаларини етказиб бериш, тўловларни қабул қилиш, нафақалар тўловини ҳисобга олиш, почта жўнатмалари мониторингини юргизиш каби қатор хизматлар кўрсатилмоқда. Янги ва қўшимча хизматлар сифатини ошириш, иш унумини яхшилаш мақсадида корпоратив тармоққа уланган автоматлаштирилган иш ўринлари сони 2758тага етказилди. Шу билан бирга, 15та филиал, 174та почта тармоғи ва 1522та бўлим мазкур тармоққа уланди.

Почта жўнатмаларини етказиб бериш вақтини қисқартириш мақсадида сўнгги бир йил мобайнида



ҳам бугун жуда кўп гапирилаётган ва кўпчилики қизиқтирадиган мавзу бу. Биргина бизда эмас, деярли барча ривожланаётган мамлакатларда шундай. "Электрон ҳукумат" иборасига интернет тармоғидаги манбаларда берилган таърифлар тасаввуримизни тўлиқ шакллантира олмайди. "Электрон ҳукумат" кенг тушунча, қолаверса, унинг аниқ бир ўлчами, қолипи мавжуд эмас: турли мамлакатларда жамият анъаналари, давлат бошқаруви тизимидан келиб чиқиб шаклланади.

Кундалик турмушимиз кун сайин технологияларга мустаҳкамроқ, чуқурроқ боғланиб борапти. Узоққа бормайлик, ўн йилча бурун уй телефонига абонентлик тўловини тўлаш учун АТСларда навбат кутган бўлсак, ҳозирда мобил телефон ёки компютер орқали бу ишни бир зумда амалга ошираемиз. Ахборот-кутубхоналар, масофавий таълим, турли ахборот хизматларининг мобил иловалари, электрон навбатлар, электрон қабулхоналар, электрон тўловлар... ҳуллас, оддий интернет ва мобил алоқа орқали бажариш мумкин бўлган ва аҳолининг кенг қатлами эҳтиёжини қондирадиган хизматларнинг шаклланиши ахборотлашган жамият ва "Электрон

ҳукумат" юзага келишида дастлабки қадам бўлди. Эндиликда булар қаторига бевосита давлат органлари хизматларининг ҳам қўшилиб бориши тизимни янада мукамаллаштиради.

2013 йилнинг 16 сентябрида ташкил этилган "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш маркази қисқа давр мобайнида бу борада кенг қўламли ишларни амалга оширди.

Mu.gov.uz манзилда ягона давлат интерактив хизматлари порталининг ишга туширилиши ушбу йўналишдаги муҳим қадам бўлди. Ягона портал фуқаролар ва давлат органлари ўртасидаги кўприк ҳисобланиб, у турли хусусиятдаги ҳаётини муаммоларни ҳал этиш имконини бермоқда. Бугунги кунда портал орқали турли масалалар бўйича тегишли давлат органларига 200 мингта яқин мурожаатлар келиб тушган.

Алоқа корхоналари

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тизимидаги барча акциядорлик компаниялари, жамиятлари, корхона, ташкилот ва муассасаларда ахборот-коммуникация технологиялари ютуқларидан унумли фойдаланилган ҳолда, хизмат кўрсатишнинг янги босқичига поғонама-поғона кўтарилиш борасидаги ислохотлар изчил давом эттирилмоқда. Ушбу изланиш ва интилишларнинг самараси улароқ, мазкур соҳанинг бошқа соҳаларга нисбатан жадал ривожла-

“Ўзбекистон почтаси” АЖнинг корпоратив тармоғига қўланган автоматлаштирилган иш ўринлари сони 2758тага етказилди.

Электрон ҳукумат:

Истиқболлар,
муаммо ва ечимлар

Аҳоли фаровонлигини янада ошириш, мамлакатнинг иқтисодий барқарорлигини мустақамлашнинг муҳим омил сифатида ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш ҳукуматимиз сиёсатининг устувор вазифалари қаторига киради.

Мазкур вазифалар моҳияти, мақсади ва истиқболдаги ривож Узбекистон Республикаси Президентини томонидан 2013 йилнинг 27 июнида қабул қилинган "Узбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорда ҳам ўз ифодасини топди. Қарорга мувофиқ, 2013-2020 йилларда мамлакатимизда телекоммуникация технологиялари, тармоқлари ва алоқа инфратузилмасини ривожлантириш дастури тасдиқланган. Дастурнинг бош мақсади иқтисодиётнинг барча жабҳаларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилишни ривожлантириш, ахборот ресурслари, тизимлари ва тармоқларининг яратилишини жадаллаштириш, шунингдек, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган интерактив давлат хизматлари сони ва сифатини янада оширишдан иборат.

2013-2020 йилларда Узбекистон Республикасида телекоммуникация технологиялари, тармоқлари ва алоқа инфратузилмасини ривожлантириш дастурини шартли равишда яна икки дастурга бўлиш мумкин. Биринчи дастур Узбекистон Республикаси телекоммуникация технологиялари, тармоқ ва инфратузилмасини ривожлантириш бўлса, иккинчиси "Электрон ҳукумат" тизимининг ахборот тизимлари ва маълумотлар базаси комплексини яратиш дастуридир.

Албатта, республикаимизда "Электрон ҳукумат" тизимини ташкил



Анжумандан лавҳалар

этиш ва ривожлантириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилади. Жумладан, аҳолига электрон шаклда давлат хизматларини амалга ошириш бўйича сайтлар яратилди ва ишга туширилди, Интерактив давлат хизматлари портали mu.gov.uz аҳоли ва тадбиркорларга муваффақиятли хизмат кўрсатиб келмоқда.

Яқинда Тошкент ахборот технологиялари университетидан бўлиб ўтган "Узбекистонда электрон ҳукуматнинг жорий этилиш истиқболлари: муаммо ва ечимлар" мавзусидаги анжуманда ҳам мамлакатимизда электрон ҳукуматнинг ривожланиши, моҳияти, вазифалари ва асосий босқичлари муҳокама этилди.

Анжуманда "Электрон ҳукумат"нинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари ҳамда "Электрон ҳукумат" тизимини жорий этишда АКТнинг ўрни ва аҳамияти йўналишлари доирасида кўплаб маърузалар тингланди. Маърузаларда Узбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда электрон ҳукуматнинг ўрни ва аҳамияти,

ТАТУ, Тошкент Давлат юридик университети, "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш ҳамда "Электрон ҳукумат" ўқув марказлари қамқорлигида ташкиллаштирилган мазкур йўналишда ҳар икки университетдан профессор-ўқитувчилар, катта илмий ходимлар, амалиёт мутахассислари, тадқиқотчи изловчилар, магистрант ва иқтидорли талабалар иштирок этди.

электрон ҳукумат тизимини жорий этишда АКТнинг аҳамияти, Узбекистонда электрон ҳукуматнинг жорий этилиши: муаммо ва ечимлар, тизим ривожда энг муҳим омил бўлган интернет тармоғи миллий сегментини тартибга солиш

каби масалалар таҳлил этилди. Шунингдек, Корея Республикаси, Россия ва Қозоғистон каби давлатлар тажрибаси ҳақида тўхталиб ўтилди.

"Электрон ҳукумат" тизимининг мамлакатимизда тез ва сифатли жорий этилишини таъминлаш ва жаҳон амалиётини қўллаш мақсадида давлат ҳокимияти органларидан ташқари, ахборот-коммуникация технологиялари, иқтисодий ва ҳуқуқий йўналишларда илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда, — дейди ТАТУнинг "Гуманитар фанлар" кафедраси катта ўқитувчиси, анжуман мувофиқлаштирувчиси Санжар Содиқов. — Бу борадаги ишларни янада кенгайтириш учун бугунгидек анжуманларнинг аҳамияти каттадир. Мазкур жараёнга ёш тадқиқотчиларни жалб этиш эса муҳим ҳисобланади. Анжуман доирасида эшитилган маърузалар асосида илмий мақолалар ва тезислар тўплами чоп этилиши назарда тутилган.

Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ,
"Xabar" мухбири

10 йил: ривожланиш ва муваффақиятлар

Узбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Радиотехника, электроника ва алоқа илмий техника жамияти раҳбарлигида, Қорақалпоқ давлат университети, ТАТУ Қарши ва Нукус филиаллари қамқорлигида Нукус шаҳрида "Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясида ахборот-коммуникация технологияларини қўллашнинг ҳозирги замон масалалари" мавзусида республика илмий-техник анжумани ўтказилди.

Шу муносабат билан 2015 йил 21 апрел куни Тошкент ахборот технологиялари университети Нукус филиалининг Бош биносидан мазкур анжуманнинг очилиш маросими ҳамда ялпи мажлиси бўлиб ўтди.

Анжуман доирасида ТАТУ ва ҳудудий филиаллари ташкил этилганнинг 10 йиллиги муносабати билан "10 йил — ривожланиш ва му-

ваффақиятлар" мавзусида ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши, ҳудудий филиалларнинг илмий, маънавий-маърифий ривожланиши ва истиқболдаги режалари акс этган фаолият натижаси бўйича кўргазма, тақдимотлар ташкил этилди.

XXI асрда ахборот-коммуникация технологиялари барча соҳалар, жумладан, таълим жараёнининг муҳим бўлагига айланди. Ўтган асрда оламшумул кашфиётлар кўп жиҳатдан инсоннинг интеллектуал салоҳиятига асосланган амалга оширилган бўлса, янги мингйилликка келиб илм-фан замонавий АКТ ёрдамида тараққий этипти. Ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин эгаллаб келаётган давлатимиз барча соҳаларда юксак ютуқларга эришмоқда, бу муваффақиятларга эса ахборот технологиялари ва телекоммуникация тизимларининг жўшқин ривожланиши асос бўляпти. Буни барча жабҳаларда, хоҳ у тиббиётда қўлланивчи био ва нанотех-

нологиялар бўладими ёки сайёрамиз ҳақида ноёб геологик ва астрономик маълумотларни олишга имкон берувчи, генларни ўқийдиган суперкомпютерлар бўладими, электрон соғлиқни сақлаш ва телетиббиде соҳасидаги лойиҳалар, sanoat ёки қишлоқ ҳўжалиги соҳаларидаги янги технологиялар бўладими, давлат идоралари, интерактив давлат хизматлари ёки "Электрон ҳукумат", электрон тижорат, тўлов тизимлари, электрон таълим, виртуал илмий лабораториялар ва электрон кутубхоналар бўладими, барча-барчаси АКТ ва илм-фан интеграциясини тақозо қилади. Бугунги кунда илмий фаолият билан шугулланувчи инсон учун ахборот-коммуникация технологиялари қанчалик муҳим бўлса, уни илмий бошқарув соҳасида татбиқ этиш ҳам шу қадар долзарб ҳисобланади.

Мухтасар қилиб айтганда, бугунги кунда ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ахборот технологиялари ва коммуникация тизимлари қанчалик муҳим бўлса, уларни илмий бошқарув соҳасида татбиқ этиш шу қадар долзарбдир.

М.АБДУЛЛАЕВ,
ТАТУ Нукус филиали
ўқув-методик бўлими бошлиғи

Дуо

"Телекоммуникация транспорт тармоғи" филиалининг 10-боғламасида Кексаларни эъозлаш йили муносабати билан фахрийлар таклиф этилиб, улар учун дастурхон ёзилди.

Тадбирни боғлама касаба уюшмаси кўмитаси раиси Азиза Латипова кириш сўзи билан очиб, таклиф этилганларни, ишчи-ходимларни алоқачилар байрами билан муборакбод этди.

Боғлама бошлиғи Сайдулло Норов кексаларга, фаол ходимларга касаба уюшмаси кўмитаси томонидан ташкиллаштирилган совғалар, фахрий ёрликларни топширди. Кексалар номидан М.Рўзиев сўзга чиқиб, эътибор учун миннатдорлик билдирди, барчага тинчлик-осойишталик тилаб дуо қилди.

Тадбир табриклар билан ҳамоҳанг куй-қўшиқ, хурсандчиликларга улашиб кетди.

Умар УСМОНОВ,
"Ўзбектелеком" АК "ТТТ" филиали
10-боғламаси ЛКЦ бошлиғи

Қадим-қадимдан ҳар бир янги ишни мўътабар отахон у онажонлар дуоси билан бошлаган, улар ҳурмати янги қўйиб, авайлаб-ардоқлаган инсонларнинг фарзандларимиз. Мамлакатимизда бу ҳурмат-эътиром ҳуқуқат эътибори даражасида эканлиги жорий йилга Кексаларни эъозлаш йили деб ном берилишида яна бир бор ўз аксини топди. Ўртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали йиғилишда қилган маърузасидаги "Ҳар қандай жамиятнинг ёши улғу одамларга бўлган эътибори ва ғамхўрлиги унинг маданий даражасини белгилайди, десак, янгилашмаган бўлаемиз. Саддагина, Ўзбекистонда қилиб айтганда кексаларга ҳурмат-эътиром, меҳр-оқибат кўрсатиш маънавий ҳаётимизнинг том маънода ажралмас қисмига айланган", деган сўзлари бугун ишлаб чиқаришнинг барча жабҳаларида бўлгани каби соҳамиз корхона ва ташкилотлари ходимлари учун ҳам дастуриламал бўлиб хизмат қилапти.



Фахримиз

Шуни алоҳида таъкидлашни истар эдимки, корхонамизда кексаларга, айниқса, аёлларга эътибор ҳамиша юқори бўлиб келган. Ҳар йили 8 март — Халқаро хотин-қизлар кун муносабати билан барча аёлларга, жумладан, фахрий алоқачи аёлларимизга ҳам қимматбахо совғалар топширилади. Бу йил ҳам шундай бўлди. Ҳаёти ва билим-тажрибасини корхонамиз ривож учун бахшида этган ҳурматли фахрий онахонларимиз раҳбарият ҳамда касаба уюшмаси кўмитаси эътиборидан хурсанд ҳолда миннатдорлик билдиришди. Корхонамиз раҳбарияти пенсиядаги ҳар бир фахрийга қанақа ёрдам керак бўлса, дори-дармон сотиб олиш бўладими ёки даволаниш, доимо тайёр туришади. Филиалларимиздан бирида ёки бошқа жойда янги иншоот ишга тушса, янги техника ва технологияларни қўллашни бошласак, албатта, фахрий алоқачиларимизни қаҳриб, дуоларини оламиз, ишни ташкил этиш борасида улар фикрини сўраймиз. Ва маслаҳатларига амал қилаемиз.

Маълумки, Наврўз саховат, меҳр-оқибат байрами. Байрамни ҳар йили катта тантана билан кутиб оламиз, умрини соҳамиз ривожига бахшида этиб, айни пайтда неваралар тарбиясига ҳисса қўшаётган фахрий алоқачиларимизни эслаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни бурч деб билаемиз. Бу йилги Наврўзда ҳам 38 нафар фахрий алоқачига моддий ёрдам кўрсатилиб, улар учун дастурхон ёзилди.

Ҳар йили баҳорда сумалак тайёрлаш бизда анъана бўлиб қолган. Бу ишни ишхонамизда узоқ йиллар самарали меҳнат қилиб, айни пайтда кексалик гаштини сураётган аёллар бажонидил бажаришади. Бу кун алоқачиларимиз учун катта байрамга айланиб кетади. Дастурхонимизнинг баҳорий таомлар билан тўлдирилишига бизда фаолият юритаётган 44 нафар аёлнинг ҳар бири ҳисса қўшади. Палов дамлашиб, ён-атрофда истиқомат қилувчи кексаларга ҳам улашилади. Бу йил ҳам шундай бўлди. Сумалакни янгитдан, чиройли қилиб таъмирлашиб, 1-Тошкент техник радионазорат станцияси ихтиёрига топширилган бино ҳовлисида тайёрладик. Байрамга барча фахрийларимизни таклиф этдик. Улар эътиборимиздан мамнун ҳолда, юртимизга тинчлик-омонлик,

“ Ҳар йили баҳорда сумалак тайёрлаш бизда анъана бўлиб қолган. Бу ишни ишхонамизда узоқ йиллар самарали меҳнат қилиб, айни пайтда кексалик гаштини сураётган аёллар бажонидил бажаришади. ”

барча шароитлар муҳайё этилган, сўнгги русумдаги замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган ажойиб бинода иш бошлаган станция алоқачилари ишга ривож, "ЭМММ" ДУКнинг барча ходимларига сиҳат-саломатлик тилаб, дуо қилишди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Умумхалқ байрами — Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги 2015 йил 26 мартдаги 4437-фармойиши ижросини таъминлаш борасида ҳам анчагина ишлар амалга оширилди. Айниқса, "Дунё буйлаб" телеканали катта муҳаррири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, олий тоифали суҳандон Фарҳод Бобононов ҳамда шоир Насриддин Ботировлар иштирокида ўтказилган давра суҳбати қизиқарли бўлди. "Қадрият — мустақиллигимизнинг энг буюк неъматидир" мавзuida ўтказилган ушбу тадбирда ходимларимиз фаол иштирок этишиб, ўзларини қизиқтирган саволларига жавоблар олишди.

"Кексаларни эъозлаш йили Давлат дастури" асосида биз ҳам йил давомида амалга ошириладиган ишларимизни режалаштириб олдик. Унга асосан фахрий алоқачиларимизга эътибор ҳар қачонгидан ҳам ортади. Уларга нафақат байрамларда, балки аризаларига биноан зарур бўлган пайтда ёрдам кўрсатилади. Улар ўзлари учун қулай вақтда тасаруфимиздаги "Оқтош" дам олиш масканида бепул ҳордиқ чиқаришлари, исталган масалада ёрдам сўраб муурожаат қилишлари мумкин. Зеро, фахрийлар — бизнинг фахримиз, ифтихоримиздир.

Фароғат ТОЛЕЕВА,
"ЭМММ" ДУК хотин-қизлар кўмитаси раиси

Ҳуқуқат

МУҲАБАТ ЧАҚМОҚҚИНА ЭМАС, ОДАМГА ЎХШАЙДИ: ТУФИЛГАНДА БИР ПАРЧА ГЎШТ БЎЛАДИ, КЕЙИН КЎЗИНИ ОЧАДИ, КЕЙИН КУЛДИРГИЧ ПАЙДО ҚИЛИБ ИЛЖАЙДИ, КЕЙИН ТИЛ ЧИҚАРИБ ҲАР КУНИ ЯНГИ БИР ГАП АЙТАДИ.

Абдулла ҚАҲҲОР



Ғамхўрлик

"Инсон ҳаётида осойишталик, тинчлик қанчалик муҳим ўрин тутганини биз, кекса авлод вакиллари янада тевароқ ҳис этамиз". Бу Марғилон шаҳридаги Терактаги маҳалласида яшовчи, Ўққинчи жаҳон уруши қатнашчиси Бакиржон ота Мадумаровнинг сўзлари.

"Орзу-умидлар фақат тинчлик-хотиржамлик ҳуқуқон жойдагина амалга ошади, — дейди отахон сўзларини давом эттираркан. — Йигитлик даврини айни уруш йилларига тўғри келди. Одамларда ҳаловат йўқолган, кун кечирини машаққатли эди. Бундай қисматни киши ҳатто душманига ҳам раво кўрмайди.

Бу йил 92-баҳорни қарши олдим. Шунинг салкам йигирма тўрт йили мустақиллик даврига тўғри келди. Каттаю кичик бирдай эътиборда. Турмуш ўртоғим билан 60 йил тотув умргузаронлик қилиб, беш фарзандни вояга етказиб, уйли-жойли қилдик. 46 набира, ўнга яқин чевараларимизнинг эртасидан кўнглимиз тўқ.

Хотира ва Қадрлаш кунини нишонланиши муносабати билан Ўртбошимизнинг фармойиши асосида рағбатлантирилишимизни эшитиб бошимиз кўкка етди. Ҳамма жойда уруш қатнашчилари ва ноғиронларига пул мукофотлари тантанали равишда топшириляпти. Қолаверса, айём арафасида "Ўққинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги" эсдалик медали билан мукофотланишимиз бизга бўлган меҳр ва иззат-икромнинг яна бир ёрқин далилидир".

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ
эъиб олди

Обсуждены вопросы развития электронного правительства в Узбекистане

28 апреля в Музее истории связи был проведен круглый стол на тему: "Развитие электронного правительства в Узбекистане" с участием международных экспертов и руководства министерств и ведомств.



На мероприятии было отмечено, что сегодня в Узбекистане функционирует портал открытых данных (data.gov.uz), являющийся одним из показателей открытости государственных органов, площадка по обсуждению проектов нормативно-правовых актов на Едином портале (my.gov.uz) на которой пользователи могут принимать участие в обсуждении будущих постановлений и законов и многое другое.

Участники были ознакомлены с инструментами для оценки готовно-

сти к электронному правительству и для оценки вовлеченности граждан и электронного участия — METER и METER. Подробнее об этих инструментах было освещено на специальных тренингах для специалистов государственных органов 29 и 30 апреля текущего года.

Этот визит международных экспертов и мероприятия организованы совместно с проектом ПРООН "Продвижение электронного правительства для улучшения качества предоставления государственных услуг".

Изменения в тарифах

АК "Узбектелеком" сообщает об изменениях в тарифах широкополосного доступа в интернет для юридических лиц.

С 1 мая 2015 года внесены некоторые изменения в Прейскурант тарифов и услуг широкополосного доступа в интернет для юридических лиц.

Серия тарифных планов "Business Unlimited" — без ограничения трафика

Примечание: Тарифные планы серии "Business Unlimited" предоставляются абонентам по технологии ADSL/FTTB.

Тарифный план	Абонентская плата, сум	Скорость доступа в сеть Интернет, Кбит/сек	Скорость доступа в сеть «Гос-IX», Кбит/сек	Валютный лимит внешнего трафика, МБ
Business Unlimited-128	420.000 150 000	до 128	до 2048	Неограничен
Business Unlimited-256	270.000 250 000	до 256	до 2048	Неограничен
Business Unlimited-512	600.000 450 000	до 512	до 2048	Неограничен
Business Unlimited-1024	840.000 600 000	до 1024	до 2048	Неограничен
Business Unlimited-2048	1.680.000 1 600 000	до 2048	до 2048	Неограничен
Business Unlimited-4096	3.360.000 3 200 000	до 4096	до 4096	Неограничен
Business Unlimited-8144	6.040.000 4 800 000	до 8144	до 8144	Неограничен
Business Unlimited-8192	6.720.000 6 400 000	до 8192	до 8192	Неограничен

Beeline запустил мобильные точки обслуживания

Оператор связи Beeline запустил в Наманганской области передвижные точки продаж и обслуживания, оборудованных в салонах автомобилей.

Услуги по подключению и обслуживанию в таких специализированных передвижных точках будут осуществляться по всем правилам стандартных дилерских офисов Beeline.

Для соблюдения необходимых процедур оформления салоны машин оснащены специальной компьютерной техникой и кассовым аппаратом.



На днях небольшая группа сотрудников Государственного унитарного предприятия "UNICON.UZ" совершили путешествие в древний город Бухару.

Экскурс в Бухару

Точкой отсчета поездки в Бухару послужило переизбранное собрание профкома, состоявшееся 3-февраля. Сотрудникам было предложено выбрать: посещение музея-города или отдых в горной местности "Горняк". За короткое время собралось необходимое количество желающих осуществить поездку в музей под открытым небом. В прежние годы большинство голосов было в пользу "Горняка".

Не найду оправданий в нашу пользу, но не всегда, мы можем посетить исторические местности, оценить великолепие красоты, которую нам оставили наши предки. Благодаря профсоюзному комитету можно было совершить небольшое путешествие в святые места и посмотреть достопримечательности древнего восточного города. Наконец-то сбылась мечта многих сотрудников.

В указанное время все собрались на Ташкентском (северном) железнодорожном вокзале. Своей пунктуальностью очень удивили туроператора Мухитдина Айходжаева из ООО "INTUR OSIYO". На протяжении 23 лет он работает с туристическими группами. Организацией туристических маршрутов остаются довольными.

Рано утром все путешественники, заполнившие один вагон ночного поезда Ташкент-Бухара, в предчувствии увлекательного путешествия вышли из вокзала на встречу с интересным и прекрасным.

Об удивительной истории становления города нам поведал гид Анвар Тулаев. Опытнейший специалист своего дела, начиная с 1975 года рассказывает о своем родном городе. В ходе путешествия, мы узнали, как называли город Бухару древние китайцы в V-VI вв. нашей эры, по каким критериям определяется возраст древности города, сколько мечетей и мавзолеев, и другие факты, достойные внимания. За один день туристы из столицы успели посмотреть окрестные достопримечательности древней Бухары: мавзолеев суфийского учителя, считающимся основателем самого значительного суфийского ордена Накшбанди и его матери, "Ситорай Мохи Хоса", некрополь "Чор Бакр", "Лаби Ховуз", "Летняя резиденция Амира Олимхана", "Арк" и другие не менее известные исторические памятники.

Пешие прогулки несколько не утомили путешественников из Ташкента, все были готовы к более длительным походам по каменным улицам города, который, когда-то называли местом торговли идолами.

А еще, как нам сказал наш гид Анвар ака: "Стоит три раза посетить Бухару и можно считать, что ты совершил маленький хадж".

Небольшой экскурс в историю не оставил никого равнодушным. Путешествие состоялось. Во истину лучше один раз увидеть, что сто раз услышать. В памяти остались увлекательные истории нашего гида Анвар ака и, конечно же, фотографии, которые запечатлели все самое интересное. Глядя на них так и хочется сказать: "Остановись мгновение, ты прекрасно!"

Умида УМАРХОДЖАЕВА,
сотрудница ГУП "UNICON.UZ"

9 МАЯ — ДЕНЬ ПАМЯТИ И ПОЧЕСТИ

Был хорошим человеком

Инженер Марат Митхатович Гимматдинов был активным, жизнерадостным и жизнелюбивым человеком. Он родился 24 декабря 1977 года в Фергане. В 2000 году устроился работать радиооператором в Службу электромагнитной совместимости Ферганской области, с 2005 года по 2014 год работал инженером I категории, был грамотным специалистом, отзывчивым товарищем и ответственным сотрудником. Для своих близких он был заботливым и внимательным сыном, мужем и отцом двоих детей. У Марата Митхатовича были огромные планы на будущее, которые он не успел осуществить. 10 мая 2015 года — годовщина его безвременной кончины. Коллектив Службы ЭМС Ферганской области и областные подразделения, выражают искренние соболезнования семье и родным. Светлая память о нём останется в наших сердцах. Это, правда, что жизнь не заканчивается смертью одного человека. И правда, что она продолжается в его детях. Солнце, зажженное им, продолжает светить и греть долгие годы вперед.

Ты был замечательным человеком! И спасибо тебе огромное за то, что своими делами, присутствием оставил огромный, очень позитивный отпечаток в этой жизни! Покойся с миром, ты был простым и очень хорошим человеком!

Коллектив Службы ЭМС Ферганской области



Халба +tv



O'ZBEKISTON

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Чой". Х/ф.
7.25 Миллий сериал: "Қадирғочлар яна қайтди".
8.00 "Таҳлилом".
8.40 "Тинч океани". Х/ф.
9.30 "Рухшўнос". Т/с.
10.10 "Иқлим".
10.20 "Ватанпарвар".
11.00 "Ахборот".
11.10 "Муқаддас ришталар". Т/с.
11.55 "Иқлим".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Шаҳар четлари шифона". Т/с.
14.00 "Ахборот".
14.15 "Хидоят сари".
14.45 Миллий сериал: "Сержантлар".
15.15 "Хайр". Х/ф.
15.40 "Заковат".
16.40 "Қишлоқ ҳаёти".
17.00 "Ахборот".
17.10 "Субхатлош".
17.20 "Қорачик".
17.40 "Агроолам".
18.00 "Иқлим".
18.05 Миллий сериал: "Туташ тақдирлар".
18.50 "Иқлим".
19.05 "Иксония".
19.25, 20.00 20.55 Эълонлар.
19.30 "Ахборот"/рус/.
20.05 "Муқаддас ришталар". Т/с.
21.00 "Ахборот".
21.40 "Мунсабаб".
22.25- 23.10 "Доктор Хаёе". Т/с.
23.10 "Ватанпарвар".
00.00 Миллий сериал: "Туташ тақдирлар".
00.40 "Агроолам".
1.00 "Ахборот"/рус/.
1.30 Миллий сериал: "Сержантлар".
2.00 "Шаҳр тароналари".
2.15 "Иқлим".
2.20 Телсериал: "От йитлаган томонда". 1-қисм.
3.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
4.00 "Ахборот".
4.40 Миллий сериал: "Қадирғочлар яна қайтди".
5.10 "Қорачик".
5.35 - 5.55 "Қишлоқ ҳаёти".



6.00 "Ватан мекри".
6.10 "Таринум".
7.00 "Велвет галереси". Т/с.
7.40 "Ешдик наволари".
8.00 "Хотира саодати".
8.10 "Назбадал". Т/с.
9.30 "Афсона ва ҳақиқат".
9.50 "UzEX".
10.00 "Камолот-инфо".
10.10 "Бир қалам". Т/с.
10.50 "Навоий либралари".
11.10 "Муъжизий дунё".
12.00 "Доктор Қуниё". Т/с.
12.50 "UzEX".
13.00 "Давр".
13.10 "Кўрғон". Б/ф.
14.50 "Юрт келажиги".
15.10 "Суз ёшларга".
15.50 "UzEX".
16.00 "Давр".
16.10 "Қилин киз қириб". Т/с.
17.40 "Солғуз ҳаёт".
18.00 "Сенга ошқаман". Т/с.
18.50 "Ариқ".
19.00 "Давр".
19.30 "Сарой жамоғири". Т/с.
20.20 "Буёқ кўрт фирқачилари".
20.50 "Ешдик наволари".

ДУШАНБА — 4 МАЙ

21.10 "Сенга ошқаман". Т/с.
22.00 "Давр".
22.30 "Астерикс ва Обелике Цезарга қарши". Б/ф.
00.20 "Илҳом қанотлари".
2.10 "Ўзбек адабиёти".
2.40 "Афсона ва ҳақиқат".
3.00 "Муъжизий дунё".
3.50 "Кўрғон". Б/ф.
5.20 "Камолот-инфо".
5.30-6.00 "Давр".

TOSHKENT

5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним".
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00 "Рўхта".
6.20 Миллий сериал: "Қисмат битиги".
6.55 "Тошкент вақти".
9.10 "Лус Мария". Т/с.
9.50 "Рўхта-спорт".
10.20 "Хорошая жена". Т/с.
11.15 "Фантастическая четвёрка". Х/ф.
13.15 "Дубанги" тележурнали.
13.45 "Рўхта-героятга".
14.15 "Тақдирлар".
14.50 "Рўхта-biznes".
15.10 "Иттиқод". Т/с.
15.50 "Рўхта-спорт".
16.15 "Сен учиг". Б/ф.
17.55 "Ишга марҳамат".
18.20 "Хўмоя".
18.35 "Мобильная камера".
8.50 "Рўхта-intelzug".
19.00 "Теле-маркет".
19.15 "Лус Мария". Т/с.
20.20 "Шимол ва жануб". Т/с.
21.10 "Пойтахт йўллари".
21.35 "Рўхта-еко".
21.45 "Теле-маркет".
22.20 "Онажды в Голливуде". Х/ф.
00.05 "Профессионал".
